

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА ИЖТИМОЙ СТЕРЕОТИПЛАРНИНГ РОЛИНИ ЎРГАНИШ

Даврон Мўминов

Психология кафедраси ўқитувчиси

Давлатов Иқболжон

Талаба

Аннотация:

Ушбу мақолада тобора мураккаблашиб бораётган шахслараро муносабатлар тизимида ижтимоий стереотиплар, шахс ижтимоийлашуви жараёнида тарихий-маънавий қадриятларнинг ўрни ва ролини кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: стереотиплар, установкалар, етук шахс, қурилиш, маданият, санъат миллий психологик қиёфа.

ИЗУЧЕНИЕ РОЛИ СОЦИАЛЬНЫХ СТЕРЕОТИПОВ В МЕЖЛИЧНОСТНЫХ ОТНОШЕНИЯХ

Муминов Давронжон Марифжон углы

Преподаватель кафедры психологии ФарГУ.

Студент Давлатов Икболжан

Аннотация: В данной статье показана роль исторических и духовных ценностей в системе все более сложных межличностных отношений в процессе формирования социальных стереотипов, социализации личности.

Ключевые слова: стереотипы, мастер-классы, зрелая личность, конструирование, культура, искусство, национальный психологический образ

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

STUDY OF THE ROLE OF SOCIAL STEREOTYPES IN INTERPERSONAL RELATIONSHIPS

Muminov Davronjon Marifjon oglu. Lecturer
at the Department of Psychology, FarSU

Davlatov Ikbal
Student

Abstract: The article describes in detail the complex problems associated with the development of stereotypes, how a person can appreciate spirituality, and what he likes.

Keywords: stereotypes, master classes, mature personality, construction, culture, art national psychological image

Ўзбекистон айни пайтда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маънавий соҳаларда ўзига ҳос бир даврни бошидан кечирмоқда, жамиятимиз олдида ниҳоятда долзарб ва буюк вазифалар турибди. Биринчи юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак”¹

Ана шундай юксак мақсадни рўёбга чиқариш учун биз жамиятда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий, дунёқарааш, миллий психологик ислоҳотни амалга ошиrimизни давр тақозо қилмоқда.

Форобий инсон тафаккурининг билиш қобилияти чексиз эканлигини, фаннинг муҳим ролини, ақл ҳақиқатнинг мезони эканини қайд қиласди. Форобий "Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари асослари", "Бахту-саодатга эришув ҳақида" каби асарларида ижтимоий ҳаёт ҳақида ўз даври учун изчил таълимот яратди. Инсон жамоаси инсонларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришига бўлган интилиши асосида вужудга келувчи ўзаро ёрдам,

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – Б.9.

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

бирлашув натижасида пайдо бўлган. Бундай жамоанинг энг етук шакли шаҳардир.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қиласиди. Давлатнинг вазифаси инсонларни баҳт-саодатга олиб боришидир - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади. Форобий давлатни бошқаришнинг турли шаклларини, ҳар томонлама етук шахс, етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар ва демократия ёрдамида бошқариш шаклларини қайд қиласиди. Форобий ҳар томонлама етук, барча аҳолини, илм-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ҳақидаги ғояни олға суради.

Ўзбеклар психологияк қиёфаси ва миллий характерини ўрганишнинг муҳим йўналишларидан бири бу ана шу психологик қиёфа ва миллий характернинг намоён бўлиш шакллари ва соҳалари ҳисобланади.

Миллий касб турлари, қурилиш, маданият, санъат миллий психологик қиёфа ва характер намоён бўлиши шаклларининг учинчи, катта йўналишини ташкил қиласиди. Шаҳриҳон пичоқлари, Марғилон атласлари, Қўқон ёғоч ўймакор нақшлари, Самарқанд нонлари, Бухоро, Хива гиламлари, зарҳал кашталари, бу саноқни яна узок давом эттириш мумкин. Бу саноқда тилга олинган ҳар бир касб маҳсулоти буюмгина эмас, балки миллий психологик хусусиятларни ўзида акс эттирган рамз ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари айнан бир буюмнинг турли регионларда турлича тайёрланиши миллий ўзига хосликнинг ранг-баранглигини ҳам акс эттиради. Маданий обидалар, уй-жой, ижтимоий иншоотлар қурилиши, саноат маҳсулотлари ҳар бир миллатнинг дунёқарashi, ҳиссиёти, миллий таъбини ўзида акс эттиради.

Мулоқот, муносабат шакллари, сўзлаш усуллари, мимика ҳаракатлар, шахслараро алоқанинг, инсоннинг инсон томонидан идрок қилинишининиг энг муҳим шартларидир. Агар психологик хусусиятларининг аксарияти юқумлилик ҳодисаси асосида ўзлаштирилишини назарда тутсак, миллий психологик қиёфа ва характерни ўрганишда бу омилларнинг аҳамияти янада яққолроқ кўринади. Бир хил тилда мулоқот қилаётган ҳар-ҳил миллат вакилларининг сўзлаш оҳанглари, мимика ҳаракатлари орқали осонгина фарқлаб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам одамларнинг ўзаро муносабат шакллари, мулоқот, сўзлаш, мимика ҳаракат усуллари миллий психологик қиёфа ва характер намоён бўлишининг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

Миллий турмуш тарзи ва миллий бадиий адабиётлар психологик қиёфа ва миллий характер намоён бўлишининг яна бир йўналишини ташкил қиласди. С.Л.Рубинштейн таъкидлаганидек характерда инсон турмуш тарзи акс этади ва аксинча характер инсоннинг турмуш тарзида акс этади. Бадиий адабиётлар эса бошқа кўпгина миллий психологик хусусиятлар билан бирга миллий турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи энг асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, турмуш тарзи ўзгарувчан хусусият, кўплаб омиллар, масалан ижтимоий муносабатлар, урбанизация, илмий техника инқилоби каби омиллар турмуш тарзининг ўзгаришига таъсири қиласди. Шунинг учун ҳам турли даврларда яратилган бадиий адабиётларни таҳлил қилиш орқали миллий турмуш тарзи, шунингдек либослар, рўзғор ашёлари, хонадонлар, кийим-кечаклар, пардоз-андоз ва ҳоказо кўплаб этнопсихологик белгилар қай тарзда ўзгариб туришини яққол тасаввур қилиш мумкин.

Шу ўринда ўзбеклар турмуш тарзига хос бўлган бир муҳим хусусият ҳақида ўз фикримизни айтиб ўтишни лозим топдик. Бу хусусият ўзбеклар турмуш тарзида ўтроқлашиш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Бу хусусият ўзбеклар психологик қиёфаси ва миллий характерини ўрганишда ҳам, шунингдек миллий психологик қиёфамиз ва характеримизнинг қаддини ростлаш жараёни учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ақлли ёки ақлсиз миллатлар йўқ. Лекин ақлий қобилияtlари юқори ривожланган миллатларни ажратиш мумкин. Ушбу ҳодисани ирқчилик, ғайриилмий асосда тушунтирувчи кўплаб концепциялар, ғояларни келтирса бўлади. Лекин бу ерда бизнинг мақсадимиз ўз миллатимизнинг бошқа миллатлардан ақлий устунлигига даово қилиш бўлмаганлиги учун бундай фикрлар биз учун унчалик аҳамиятли эмас. Биз учун муҳими шуки, миллатга хос бўлган давр хусусиятларини ўз вақтида тушуниш, фахм-фаросатлилик, хушёрлик, зийраклик, укувлилик, маърифатпарварлик каби хусусиятларнинг шаклланишида миллий ақлий қобилияtlарнинг ўзига яраша таъсири бор.

Миллий ҳиссиёт у ёки бу кўринишда юқорида биз санаб ўтган миллий психологик қиёфа ва характер намоён бўлишининг ҳамма шаклларида бевосита иштирок этади. Турли урф-одат, маросим ва анъаналарни амалга оширишда, ижтимоий фаолиятда, саноат, маданият, қурилишда, ёзма маданиятда, турмуш тарзи, ўзаро муносабатларда, тафаккур хусусиятларида ҳиссиётнинг ўзига яраша ўрни бор. Нихоят социал

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

установкалар ҳам борки, миллатнинг ижтимоий йўналиши, ижтимоий мақсадлари, идеаллари, истак, хоҳиш, майл ва ниятлари ҳам миллий ҳиссиёт қобигига ўралган ҳолда намоён бўлади.

Куйида биз бу масалага яна тўхталиб ўтамиз, шундай бўлсада бу ерда бевосита ўзбеклар психологик қиёфаси ва миллий характерига нисбат берган ҳолда бу масалани яна бир бор алоҳида изчиллик билан ёритиш зарур деб ўйлаймиз. Урф-одат, маросим ва анъаналар миллатнинг ўзлигини сақлаш, ана шу урф-одат, маросим ва анъаналарни нишонлаш, амалга ошириш кетма-кетлиги эса ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасидаги узвийликни таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Миллий урф-одат, маросим ва анъаналар унутилган, йўқотилган тақдирда миллат аста-секин ўзига хослигини йўқота боради, миллий ғурур, туйғуларига путур етади, миллий маслаксизлик пайдо бўлади. Совет қурилиши даври бу қоидани яна бир марта исбот қилди. Миллий давлатчилик шаклланиши жараёнида ўзбек азалий урф-одатлари, маросим ва анъаналарнинг қайта қад ростлаши йўлида амалга оширилаётган ишлар миллий давлатчилик қурилишининг ўзаги бўлиб қолиши шак-шубҳасиз.

Тадқиқ этилаётган муаммони амалиётдаги ҳолатини ўрганиш мақсадида қайд этувчи тажриба ишлари ўтказилди. Тажриба синов ишларида Фаргона вилояти ХТҲҚТМОИ мактаб амалиётчи психологлари малакасини ошириш курсининг 24 нафар тингловчилари иштирок этилди.

Шахслараро муносабатларда ижтимоий стереотипларнинг ролини кўрсатиб бериш ва шахслараро муносабатларда маданий ва маънавий қадриятлар кўринишида намоён бўлувчи ижтимоий стереотипларни ўрганиш мақсадида Т. Лирининг шахслараро муносабатларни диагностика қилиш методикасидан фойдаланилди.

Ушбу методика шартига кўра турли тавсифлардан иборат саволномани диққат билан ўқиб чиқиб, унда респондент ўзи ҳақидаги тасаввурларига мос келган тавсиф тартиб рақамини доира ичига олиб қўйиши керак эди.

Т. Лирининг методикаси қўлланилганда қуйидаги натижалар келиб чиқди:


Октантлар сони	Умумий натижа
I октант	159
II октант	111
III октант	162
IV октант	122

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

V октант	174
VI октант	147
VII октант	197
VIII октант	217



Натижалардан кўриниб турибдики, респондентларнинг жавобларида 7 ва 8 октантлар етакчилик қилмоқда. Демак, бизнинг жамиятдаги шахсларо муносабатларда референт гурӯҳ билан тўла ҳамкорликка, атрофдагилар билан дўстона муносабатга интилиш. шахсларо муносабатларда ён бериш хулқи, атрофдагиларга ўз дўстлигини изҳор қилишга интилиш (VII октант), шунингдек ривожланган масъулият ҳисси, яққол намоён бўлувчи атрофдагиларга ёрдам беришга тайёрлик, раҳмдиллик, меъёрдан ташқари илтифотлилик, установкаларнинг гиперсоциаллигини яққол ифодаловчи ўз манфаатларидан воз кечиш (VIII октант) сингари хусусиятлар яққол намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, шахсларо муносабатлар жамиятда ижтимоий маънавий мухит барқарорлигини таъминлашнинг мухим омили бўлиб ҳисобланади, бундай муносабатлар эса шахсларо муносабатларда маданий ва маънавий қадриятлар кўринишида намоён бўлувчи ижтимоий стереотиплар воситасида шакллантирилади. Албатта, ҳозирги пайтда, оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение, вақтли матбуотнинг салмоғи ортиб бориши билан бундай оммавий психологик ҳодисалар тарқалиш даражаси сезиларли даражада пасаймоқда, лекин шундай бўлса ҳам, социал-психологик ва социологик тадқиқотларни режалаштириш ва

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

амалга оширишда бу муҳим омилни назардан четда қолдириб бўлмайди, айниқса бу ўринда дунёнинг ҳаттоқи энг ривожланган мамлакатларида ҳам кўп қўлланиладиган бозор фикрини ўрганиш алоҳида ўрин эгаллаши керак деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бурмистрова Т.Ю. Некоторые вопросы теории нации. "Вопросы истории" 1966.
2. Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим тарбия тўғрисида. Т., 1967. 176 с.
3. Marifjon o‘g M. D. et al. SHAXSLARARO MUNOSABATLARDA MANIPULYATSIYANING O ‘RNI VA AXAMIYATI. – 2022.
4. Marifjon o‘g, Mo‘minov Davronjon. "SHAXSLARARO MUNOSABATLARDA MANIPULYATSIYANING O ‘RNI VA AXAMIYATI." (2022): 37-44
5. Marifjon o‘g, M. M. D. (2022). SHAXSLARARO MUNOSABATLARDA MANIPULYATSIYANING O ‘RNI VA AXAMIYATI
6. Marifjon o‘g M. D. et al. THE BREADTH OF INFORMATION AND ITS MANIPULATIVE EFFECT ON THE HUMAN MIND //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 7. – С. 17-21.
7. Marifjon o‘g, Mo‘minov Davronjon, and Davlatov Iqboljon Sharofiddin o‘g‘li. "THE BREADTH OF INFORMATION AND ITS MANIPULATIVE EFFECT ON THE HUMAN MIND." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.7 (2022): 17-21.
8. Marifjon o‘g, M. M. D., & Sharofiddin o‘g‘li, D. I. (2022). THE BREADTH OF INFORMATION AND ITS MANIPULATIVE EFFECT ON THE HUMAN MIND. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(7), 17-21.
9. Муминов Д. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И СОЦИАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 4. – С. 60-62.
10. Муминов, Даврон. "ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И СОЦИАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ." Uzbek Scholar Journal 4 (2022): 60-62.

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

11. Муминов, Д. (2022). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА И СОЦИАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. *Uzbek Scholar Journal*, 4, 60-62
12. Ражабов, Муродил Жумабоевич; Ражабова, Хуршида Хусанбоевна; , "МАНИПУЛЯЦИЯ ТУРЛАРИ ВА ОДАМЛАРДА РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТИЗИМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ: Ражабов Муродил Жумабоевич, Фаргона давлат университети катта ўқитувчиси", Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал,,6,262-266,2022.
13. Jumaboevich, Rajabov Murodil; , "Black Three in Personal Psychological Characteristics or Maciavelism, Psychopathy and Narsism",Eurasian Scientific Herald,8,,38-41,2022,
14. Джухонова Н. Х., Иброхимов Д. Этнопсихологические особенности подготовки девушек-студенток к семейной жизни //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 829-835.
15. Солиев, Ф. С., Абдуллаева, А. Р., & Джухонова, Н. Х. (2019). Формирование психологической культуры и этноценностных ориентаций студенческой молодежи. In *Психологическое благополучие современного человека* (pp. 334-339).
16. Djuxonova N. X., Mamajonova SH. Mahalla-qizlarni oilaviy hayotga tayyorlashning muhim omili sifatida //innovatsii v pedagogike i psixologii. – 2021. – Т. 4. – №. 7.
17. Исакова, М. Т. "ЭМПИРИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ВЗАИМОСВЯЗИ ОТНОШЕНИЯ ЛИЧНОСТИ К ЗДОРОВЬЮ С ИНДИВИДУАЛЬНО-ДИНАМИЧЕСКИМИ ХАРАКТЕРИСТИКАМИ." П 86 Психология управления персоналом и экосистема наставничества в условиях изменения технологического уклада. Вторая международная научно (2021): 544.
18. ИСАКОВА М. Т. СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) //СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий". – №. 8. – С. 45-52.
19. ИСАКОВА, М. Т. СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН). СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий", (8), 45-52.

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Los Angeles, California, USA on February 10th, 2023.

www.conferencezone.org

-
20. Isaqova M. T. Etnopsixologiya //Toshkent: Iqbol-Turon. – 2007.
 21. Ostanakulov A.D The history and role of Islam and psychology in the education system in Central Asia. ResearchJet Journal of Analysis and Inventions <https://RESERCHJET.ACADEMIASCIENCE.ORG> ISSN: 2776-0960 Impact Factor: 7.655 VOLUME 2, ISSUE 4, APRIL - 2021.